

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

АМИНОВА ДИЛДОР ХОЛМУРАДОВНА

**ҒЎЗАНИ БИОЛОГИК УСУЛДА ҲИМОЯ ҚИЛИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Аминова Дилдор Холмурадовна Ѓўзани биологик усулда химоя қилиш самарадорлигини оширишнинг илмий асослари.....	3
Аминова Дилдор Холмурадовна Научные основы повышения эффективности защиты хлопчатника биологическим методом.....	19
Aminova Dildor Xolmuradovna Scientific bases of handing of efficiency biological cotton protection	35
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Qx.13.01-РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

АМИНОВА ДИЛДОР ХОЛМУРАДОВНА

**ВЎЗАНИ БИОЛОГИК УСУЛДА ҲИМОЯ ҚИЛИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Qx385 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Яхяев Хашим Касимович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Торениязов Елмурат Шерниязович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Холдаров Мирхалил Ўрозбоевич
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **Андижон давлат университети**

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (538160-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел: (99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ кунни таркатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Я.Х. Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.н., доцент

М.М.Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида пахтачилик қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланади ва ҳар йили 32-33 миллиондан ортиқ гектар майдонларга чигит экилиб, пахта толаси етиштириш миқдори 25 миллион тоннани ташкил этмоқда. Пахта асосан тўқимачилик соҳасида тола хом ашёси сифатида ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари пахтадан 30 дан ортиқ маҳсулотлар тайёрланади ва экспорт қилинади. Дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларда етиштирилган пахта хом ашёси юқори савдо даражасига эга бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳисобланади¹.

Дунёдаги пахта етиштиришда етакчи бўлган давлатларида сифатли пахта хом ашёсини етиштиришда ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишда, замонавий ахборот технологияларини қўллаш орқали улкан ютуқларга эришилган. Бу энг аввало ҳудудлар иқлимига мос чидамли навлар яратилгани, шунингдек янгича технологиялардан самарали фойдаланиш, маҳсулотнинг сифат ва техникавий жиҳатларини янада яхшилаш, қайта ишлаш жараёнларини муттасил ривожлантириб боришга, касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилишга қаратилган биологик самарали кураш усулларида ҳисобланади.

Республикамызда ғўзани зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги пайтда республикамызда пахта етиштирадиган фермер хўжаликлари кичик хажмли технологиялар асосида ҳосил олишга ўтганлар. Бу эса ўз навбатида, пахта етиштириш харажатларини камайтириш, ўғитлар сарфи, суғориш тизимларини муқобил даражага олиб келиш имконини беради. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигида, шу жумладан «...ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишда замонавий ахборот технологияларини қўллаш ва жорий этиш» қишлоқ хўжалиги амалиётида муҳим аҳамият касб этади². Шу сабабли ҳам пахта етиштиришда фитомониторинг асосларини яратиш ва уларни жорий этиш муҳимдир. Фитомониторингнинг асосий вазифаларидан бири экинлар ҳолатини билиш ва таҳлил қилишдан, ривожланишдан четлашиш (орқада қолиш) сабабларини аниқлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бундай маълумотларни ўз вақтида олиш пахта етиштириш технологиясига аниқлик ва ўзгартириш киритиш, маълум бир омиллар акс таъсирини аниқлаш ва экинлар ривожланишига оптимал шароит яратиш имконини беради. Бу ишларни эса автоматлаштирилган компьютер тизимларисиз амалга ошириб бўлмайди. Ишлаб чиқиши режалаштирган ва компьютерлар ёрдамида жорий этишга мўлжалланган тизим ғўза экин

¹ www.fao.org OECD-FAO AGRICULTURAL OUTLOOK 2016 © OECD/FAO 2016

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони

ҳолатининг фитомониторингини олиб бориш, унинг асосий зараркунанда ва касалликларини пайдо бўлиш вақтини аниқлашни автоматлаштиришга, ва ўтказиладиган биологик ҳимоя чоралари назоратини олиб боришга мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 мартдаги ЎРҚ-148-сон қонуни, «Ўсимликларни ҳимоя қилиш ҳизмати тузилмасини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сон «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникацион технологияларни жорий этиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сон «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларни жорий этиш тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалик экинлари зараркунанда ва касалликлари ривожланишини прогнозлаштириш ва уларга қарши биологик кураш усулларини қўллаш масалалари билан хорижий мамлакатларда И.Я.Поляков, С.П.Саулич, В.В.Коваленков, Г.Е.Сергеев, С.В.Левина, Г.М.Доронина, Л.А.Макарова ва б., жумладан Республикамизда бир қатор олимлар С.Н.Алимухамедов, З.К.Адилов, А.Хамраев, К.И.Ларченко, С.Б.Запеевалова, О.П.Мороко, М.Бабаханова, Ҳ.Қ.Яхьяевлар томонидан кўп илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Бироқ ғўзанинг асосий зараркунандаларига қарши биологик кураш усулларини оптимал муддатларда қўллаш ва бу усулнинг иқтисодий томондан баҳолаш масалалари нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий мамлакатларда ҳам тадқиқ қилинмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқотлар режасининг А-11.132 «Қишлоқ хўжалик экинларининг асосий зараркунанда ва касалликлари ривожланиши ва тарқалишини автоматлаштирилган прогнозлаштириш ва ахборот тизимларини ишлаб чиқиш» (2006-2008 йй.), ҚХА 10-090 «Ўсимликларни ҳимоя қилишда ахборот технологиялари тизимини яратиш; ташхислаш прогнозлаштириш, режалаштириш,

бошқариш» (2009-2011йй.), ҚХА-09-106-2015 «Қишлоқ хўжалик экинлари ва уларнинг фитосанитар ҳолатини назорат қилиш ва баҳолашнинг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади ғўзани кўсак курти (ғўза тунлами)дан биологик усулда химоя қилиш самарадорлигини оширишда зараркунанданинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва тарқалишини прогнозлаштиришнинг автоматлаштирилган тизимларидан фойдаланиш, унинг асосида биологик ва микробиологик химоя тадбирлари режаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ғўзани ғўза тунламидан биологик усулда химоя қилишда ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва сақлаш технологиясининг концептуал асосларини ва прогнозлаштириш тизимининг ахборот таъминотини ишлаб чиқиш;

ғўзани биологик усулда химоя қилиш воситаларига бўлган талабларини жорий ва кўп йиллик режалаштириш усулларини ишлаб чиқиш;

фойдали энтомофагларни ишлаб чиқарувчи биологик ишларини оптимал режалаштириш усулларини ишлаб чиқиш;

ғўза ва унинг асосий зараркунандаси ғўза тунламининг ривожланиши, тарқалишини автоматлаштирилган прогнозлаштириш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

ғўзани биологик усулда химоя қилиш самарадорлигини иқтисодий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон шароитида ғўза экинига катта зарар етказаётган ғўзанинг асосий зараркунандаси ғўза тунлами олинган.

Тадқиқотнинг предмети замонавий ахборот технологияларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида қўллашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар қабул қилинган усулларга риоя қилган ҳолда олиб борилган. Бунда ғўзани биологик усулда химоя қилиш бўйича тадқиқотлар С.Н.Алимухамедов, Б.П.Адашкевич, З.К.Адилов, Х.Р.Мирзалиева, А.Ш.Хамраев ва бошқалар тавсияларига асосан олиб борилди. Ғўзани етиштиришда ЎзПТИИ тавсияларидан фойдаланилган. Тадқиқотларда энтомологик тадқиқотлар В.И.Танский ва б., прогнозлаштириш бўйича К.И.Ларченко, С.Б.Запелалова, О.П.Мороко, М.Бабаханова, Ҳ.Қ.Яхяев, зараркунандалардан химоя қилиш тадқиқотлари И.Я.Поляков, С.П.Саулич, Г.Е.Сергеев, С.А.Левина, Е.М.Доронина, Л.А.Макарова, ва б. услубларидан фойдаланилган.

Ғўза тунламининг ривожланиши ва тарқалишининг автоматлаштирилган прогнозлаштириш тизимини ишлаб чиқишда Х.К.Яхяев усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор республика шароитида математик моделлаштириш усуллари

ва замонавий ахборот технологияларини қўллаш асосида, ғўзани биологик усулда ҳимоя қилиш самарадорлиги илмий-амалий асосланган;

ғўзани унинг асосий зараркунандаси ғўза тунлампидан биологик усулда ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишнинг такомиллашган усули ишлаб чиқилган;

ғўза тунлампининг ривожланиш муддатларига аниқлик киритилиб, улар ривожланишининг фенологик календарлари тузилган, об-ҳаво шароитидан келиб чиққан ҳолда уларнинг ривожланиши, тарқалиши ва зарар келтириш даражалари аниқланган;

ғўзани ғўза тунлампидан биологик усулда ҳимоя қилиш воситаларига бўлган эҳтиёжини режалаштириш меъёрлари ва фойдали энтомофагларни ишлаб чиқарадиган биологик фабрикалар ишларини оптимал режалаштириш усуллари ишлаб чиқилган;

ғўзани биологик усулда ҳимоя қилиш самарадорлиги иқтисодий томондан аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Дала шароитида етиштирилаётган ғўза ва унинг асосий зараркунандаси ғўза тунлампининг ҳолатини прогнозлаштириш ва назорат қилиш натижалари батафсил таҳлил қилиниб, уларга қарши биологик усулда кураш олиб боришда прогнозлаштиришнинг автоматлаштирилган тизимидан ва иқтисодий таҳлил усулларида фойдаланиш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дала тажрибаларининг апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланганлиги; илмий тадқиқотлар тўғрисидаги ҳисоботларнинг муҳокама этилганлиги ва ҳисоботларнинг тақриз қилинганлиги; тажрибаларда олинган маълумотларнинг статистик таҳлилдан ўтказилганлиги ва олинган илмий натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; тадқиқот натижаларини Республика ва чет элда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда, инновацион ярмаркаларда муҳокама қилинганлиги, сертификат ва дипломлар олинганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этган илмий нашрларда чоп этилиши билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ғўза тунлампидан нуфузини мониторинг ва прогнозлаштириш тизимини қўлланилиши ўсимликларни ҳимоя қилиш мутахасисларга кураш усуллари ва муддатларни белгиловчи илмий асос бўлиб хизмат қилади. Унда экинларни ўз вақтида ҳимоялашга ва унга ишлов бериш сонини камайтиришга имкон яратилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ғўзанинг асосий зараркунандаси ғўза тунлампага қарши биологик кураш усулини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қўллаш бўйича ўтказилаётган ҳимоя тадбирларининг иқтисодий ва биологик самарадорликлари билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғўзани биологик

усулда химоя қилиш самарадорлигини оширишнинг илмий асослари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

ғўзанинг асосий зараркунандаси ҳисобланган ғўза тунламининг ривожланишини прогнозлаштиришнинг математик моделлари Қашқадарё вилоятининг Косон, Миршикор туманлари фермер хўжаликларида 350 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 9 январдаги 02/023-10-сон «Ўзагрокимёхимоя» АЖнинг 2018 йил 26 декабрдаги 03-12/1966-сон маълумотномалари). Натижада анъанавий усулга нисбатан янги усулнинг самарадорлиги эвазига 30,4-32,1 центнергача ҳосил олишга эришилган;

ғўза тунламига қарши ғўзани биологик усулда химоя қилишда қўлланиладиган энтомофагларни биофабрикаларда кўпайтиришни ва уларни қўллашни оптимал режалаштириш усули Косон туманининг «Косон», «Асли Нажим» фермер хўжаликларида 224 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 9 январдаги 02/023-10-сон ва «Ўзагрокимёхимоя» АЖнинг 2018 йил 26 декабрдаги 03-12/1966-сон маълумотномалари). Натижада ушбу ишланманинг қўлланилиши натижасида анъанавий усулга нисбатан янги усул ёрдамида ҳар бир гектар майдондан 3,3-5,0 центнергача ҳосилдорлик сақлаб қолиниб, иқтисодий самарадорлик 193,0 млн. сўмни ташкил этган;

ғўза асосий зараркунандаларининг фенологик календарлари, об-ҳаво шароити, уларнинг ривожланиши, тарқалиши ва зарар келтириш даражаларига қараб математик моделлаштиришдан фойдаланган ҳолда биологик кураш усули Муборак туманининг «Нуриддин», «Ойсултон» фермер хўжаликларида 445 гектар майдонга жорий этилган («Ўзагрокимёхимоя» АЖнинг 2018 йил 26 декабрдаги 03-12/1966-сон маълумотномаси). Натижада ғўзани биологик усулда химоя қилиш рентабеллиги 452,7–487,9% ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот иши натижалари 6 та, шу жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган, 1 та монография чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг ҳолати ва истиқболлари**» деб номланган биринчи бобида танланган мавзу бўйича адабиётлар шарҳи баён этилган. Бунда кўтарилган мавзунинг ҳозирги аҳволи, ғўза ва уни зарарли организмлардан ҳимоялаш масалалари, ҳамда қишлоқ хўжалик экинларини зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишда ахборот технологияларини қўллаш имкониятлари, бу борада ўтказилган тадқиқотларнинг аҳволи ва мавжуд маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотлар ўтказилган жойнинг таърифи ва иш услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг (Қашқадарё вилоятининг Косон ва Миришкор туманлари) иқлим шароити, табиий-географик ва агрометеорологик тавсифи ўрганилган ва тажриба ўтказиш шароити бўйича илмий иш манбалари ва иш услублари ишлаб чиқилган. Бобда тадқиқотда ишлатилган турли мақсадларни кўзлаган усул ва услублар келтириб ўтилган (К.А.Гар, Б.А.Доспехов, Ш.Т.Хўжаев таҳрири остида услубий кўрсатмалар ва б.). Ғўза, унинг асосий зараркунандаси (кўсак курти) ҳолатини прогнозлаштириш ва назорат қилишни автоматлаштирилган тизимини қўллаш усуллари ва бу усуллардан уни биологик усулда ҳимоя қилишда фойдаланиш йўллари келтирилган.

Диссертациянинг «**Ғўза экини ва унинг асосий зараркунандалари ривожланиши ва тарқалишининг ахборот тизимлари**» деб номланган учинчи бобида маълумотларни тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш технологиясининг концептуал асослари, қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунанда ва касалликлари ривожланишининг экологик мониторинги ва прогнозлаштиришнинг йўллари ва усуллари, мониторинг тизимининг ахборот таъминоти каби масалалар ёритиб берилган.

Қишлоқ хўжалик экинларининг (шу жумладан ғўзанинг) асосий зараркунандалари ривожланиши ва тарқалишини ифодаловчи «Ҳимоя» автоматлаштирилган мониторинг тизими ишлаб чиқилиб («Ҳимоя» АМТ), Қашқадарё вилояти ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази ва унинг туманлар отрядларида тадбиқ этилган.

Ғўзани ғўза тунлампдан биологик усулда химоя қилишда дастлабки маълумотларни тўплаш, сақлаш ва уларни қайта ишлаш ҳамда улар асосида автоматлаштирилган прогнозлаш тизимларини яратишда улардан фойдаланишнинг илмий асослари ишлаб чиқилиб, амалиётда фойдаланиш йўллари аниқланган.

Ғўзанинг зарарли организмлари ривожланиши ва тарқалишининг мониторинг тизимларини яратиш учун зарур бўладиган ахборотларни олиш ва улардан фойдаланиш асослари ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **«Ғўзанинг асосий зараркунандалари ривожланиши ва тарқалишини автоматлаштирилган прогнозлаш тизими»** деб номланган тўртинчи бобида ғўзанинг асосий зараркунандаси кўсак қуртининг ривожланиш муддатларини прогнозлашда ишлатиладиган асосий кўрсаткичлар ва улар асосида ахборот тизимини яратиш, улар сонини аввалдан прогнозлаштириш каби долзарб масалаларни ҳал қилиш имконияти яратилган.

Ғўза тунлампнинг тарқалиши ва ривожланишини ГИС технологияси асосида мониторингини олиб бориш, ғўза тунлампнинг авлодлари ривожланишини фойдали ҳароратлар йиғиндисиги боғлиқлигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш натижасида уларга қарши биологик курашнинг оптимал муддатларини аниқлаш ва унинг самарадорлигини ошириш мумкинлиги асослаб берилган.

Ғўза тунлампнинг биринчи авлоди ғўзанинг ҳосил органларини зарарлаш даражасини аниқлаш мақсадида ўртача 65 та шона 12 та гул текширилган. Бунда 12 та шона ва 2 та гул органлари зарарланганлиги аниқланди. Бу 18% шона ва 16% гул органлари зарарланганлигини билдиради. Кўсак қуртининг иккинчи авлоди ғўзанинг ҳосил органларини зарарланганлик даражасини ўрганиш учун 58 та шона, 25 та гул, 10 та кўсақлар текширилган. Бунда 16 та шона, 5 та гул, 1 та кўсак зарарланганлиги кузатилди. Бу мос равишда 27,5% шона, 20% гул, 10% кўсақлар зарарланганлигини кўрсатилган.

Кўсак қуртининг учинчи авлоди ғўзанинг ҳосил органларини зарарлаганлик даражаси ўрганиш учун 25 та шона, 50 та гул, 160 та кўсак органлари кузатилди. Бунда 5 та шона 15 та гул 12 та кўсақлар зарарланганлиги аниқланди. Бу эса 20% шона, 30% гул, 7,5% кўсақлар зарарланганлигини кўрсатилган.

Кўсак қуртининг Қашқадарё вилоятида ривожланиши борасидаги маълумотларга эга бўлгач, тунлампнинг ғўза далаларида тарқалишини ГИС технологияси ёрдамида аниқлаш юзасидан изланишлар олиб борилган. Тажриба ўтказилган далаларда GPS навигатори ёрдамида уларнинг координатлари олиниб, GIS программаси асосида таҳлилдан ўтказилган. Тажрибалар Қашқадарё вилоятининг Косон тумани “Асли Нажим” фермер хўжалиги далаларида олиб борилган (1-жадвал).

1-жадвал

Кўсак қуртининг мавсум давомида авлодлар бўйича ғўза органларини зарарлаши (Қашқадарё вилояти, Косон тумани, 2016 й.)

Авлод	Ғўзанинг генератив органлари	Ўрганилган ҳосил элементлари сони, дона	Зарарланган ҳосил элементлари сони, дона
I авлод	Шона	65	12
	Гул	12	2
II авлод	Шона	58	16
	Гул	25	5
	Кўсак	10	1
III авлод	Шона	25	5
	Гул	50	15
	Кўсак	160	12

Олинган маълумотлардан кўришиб турибдики, ғўза далаларида кўсак қуртининг тарқалиши яъни, кўсак қурти личинкаси ва тухумлари учраган ғўза туплари сони сони 2 июнь ҳолатига 61 тадан 76 тагача миқдорни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 5 август ҳолатига 74 тадан 100 тагачани ташкил қилди. GPS навигатори ёрдамида 6 та нуқтадан йиғилган маълумотлар асосида, ўрганилаётган ҳудудда кўсак қурти миқдорини камайтириш бўйича ҳимоя ишларини ўтказишга тавсиялар берилди. Худди шундай тажрибалар вилоятнинг Косон тумани «Асли Нажим» фермер хўжалиги ғўза далаларида ҳам олиб борилган (2-жадвал).

2-жадвал

Косон тумани “Асли Нажим” фермер хўжалиги ғўза далаларида кўсак қуртининг тарқалиши тўғрисида GPS навигатори ёрдамида йиғилган маълумот (2016-2017йй.)

№	GPS рақами	100 туп ғўзада кўсак қурти личинкаси ва тухумлари учраган туплар сони, дона	№	GPS рақами	100 туп ғўзада личинка ва тухумлар учраган туплар сони, дона
		2 июнь ҳолатига			5 август ҳолатига
1	093	76	1	093	85
2	094	65	2	094	74
3	106	79	3	106	87
4	095	77	4	095	83
5	098	82	5	098	100
6	099	61	6	099	74
Ўртача		73,3			83,8

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, Косон тумани ғўза далаларида кўсак қуртининг тарқалиши яъни, кўсак қурти личинкаси ва тухумлари учраган ғўза туплари сони 2 июнь кунда ўртача 73,33 тани ташкил қилган бўлса, Миришкор тумани бўйича бу кўрсаткич

23,22 тани ташкил қилган ва Косон тумани ғўза далаларида кўсак қуртининг зичлиги Миришкор туманига нисбатан анча баланд эканлиги қайд қилинган. Мавсум охирига келиб, яъни 5 август санасида Косон тумани ғўза далаларида кўсак қуртининг миқдори 83,83 тагача ошган бўлса, Миришкор тумани хўжаликларида кўсак қуртининг сони ўртача 25,22 тагача етган. Олинган маълумотлар тахлили шуни англатадики, Косон туманининг ўрганилган худудида кўсак қурти личинка ва тухумлари сони, яъни зараркунанда зичлиги Миришкор туманидагига нисбатан анча, яъни 2 июн ҳолатига 3,1 баробар, 5 август ҳолатига эса 3,2 баробар кўп эканлигини кўрсатилган.

Ғўзанинг асосий касалликлари фузариоз вилт ва қора илдиз чиришни ривожланиши ва тарқалишини прогнозлаш тизими, уларнинг математик моделлари ишлаб чиқилди ва улардан фойдаланиш имкониятлари асослаб берилган.

Фузариоз вилт касаллигига таъсир этувчи омиллар ҳаво ҳарорати (X_1), ёғингарчилик (ёғин) миқдори (X_2) ва тупроқ ҳарорати (X_3) таъсирида унинг ривожланишини (Y) ифодаловчи математик моделни ишлаб чиқиш учун Қашқадарё вилоятидан олинган маълумотлардан фойдаланилган. Математик моделнинг кўриниши қуйдагича:

$$Y = 3273,84 - 471,06 X_1 + 0,04 X_2 + 726,26 X_3 + 11,58 X_1^2 - 16,32 X_3^2,$$

бунда корреляция коэффициенти $R = 0,98$ ва хатолик 3,35% тенг бўлган.

Математик модель ёрдамида ҳисобланган касаллик қийматини стационар майдонлардан олинган қийматлари билан солиштириш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Ғўзани фузариоз вилт билан зарарланганлигини модел ёрдамида ҳисобланган кўрсаткичлар билан солиштириш

Йиллар	Касалликнинг ривожланиши, %		Фарқи, %
	ҳақиқатда	ҳисоб бўйича	
1	27,8	27,2	0,6
2	18,5	18,7	-0,2
3	38,0	40,9	-2,9
4	15,5	16,4	-0,6
5	44,0	40,7	3,3
6	34,6	37,4	-1,0
7	35,0	36,3	-1,3
8	21,5	21,7	-0,2

Шундай қилиб, ишлаб чиқилган модел ёрдамида келгуси йилларда ғўзани фузариоз вилт билан зарарланиш миқдорини прогнозлаш имкони яратилган.

Худди шунингдек, ғўзанинг қора илдиз чириш касаллиги билан зарарланишининг математик моделлари ишлаб чиқилди. Ушбу моделларнинг тўртта стационар ҳудудлардаги кўриниши келтирилган (4- жадвал).

4-жадвал

Стационар ҳудудлар учун математик моделларнинг кўриниши

Ҳудуд №	Регрессия тенгламасининг кўриниши	Корреляция коэффициенти
1	$Y = 180,22 + 24,27X_1 - 2,18X_2 + 0,4X_3 - 0,63X_1^2$	0,991
2	$Y = 192,47 + 26,69X_1 - 3,14X_2 + 0,4X_3 - 0,67X_1^2$	0,994
3	$Y = 81,2 + 47,44X_1 - 50,77X_2 - 0,02X_3 + 2,35X_1X_2 - 2,35X_1^2$	0,981
4	$Y = 80,04 + 4,12 X_1 - 5,88X_2 - 1,66X_3 + 0,02X_3^2$	0,992

Шундай қилиб, ушбу ишлаб чиқилган математик моделлар ёрдамида қора илдиз чириш касаллигининг келгуси йиллар учун прогнозларини ҳисоблаш имконияти яратилган. Масалан 4 – стационар учун ҳаво ҳарорати $X_1 = 20,5$; тупроқнинг ҳарорати – $X_2 = 19,6$ ва ёғингарчилик миқдори – $X_3 = 22$ га тенг бўлса, у ҳолда:

$$Y = 80,04 + 4,12 \times 20,5 - 5,88 \times 20,5 - 1,66 \times 19,6 + 0,02 \times 22 = 11,9$$

ғўзани қора илдиз чириш касаллиги билан касалланиши 11,9 + 0,5% ни ташкил қилишини аниқлаш мумкин бўлади.

Диссертациянинг «**Ғўзани биологик усулда химоя қилишнинг иқтисодий асослари**» деб номланган бешинчи бобида уни кўсак қуртидан биологик усулда химоя қилишнинг асосий йўналишлари ва иқтисодий усуллари аниқланиб, уларни қишлоқ хўжалиги амалиётида қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Кўсак қуртига қарши ўтказиладиган биологик кураш усули бўйича (республикамизда қабул қилинган, қўлланиб келинаётган ва биз уни “анъанавий” усул деб номлаган) зараркунанданинг ҳар бир авлодига қарши 3 марта гектарига 1 грамм ҳисобидан 100 та нуктага трихограмма тухумхўридан чиқарилган. Бунда зараркунанданинг зичлиги ҳисобга олинмайди. Бошқача айтганда, кўсак қуртининг ҳар 100 туп ғўзага тўғри келган сонидан қатий назар, юқорида кўрсатилган меёрда трихограмма тарқатилган.

Ваҳоланки зараркунанда тухумлари сони зичлиги қанча кўп бўлса трихограмма уни шунчалик тез топиб, зарарлаши осон кечиши ва зараркунанданинг зичлигига қараб қанча миқдорда трихограмма тарқатиш етарли бўлиши адабиётларда келтирилган.

Шу сабабли трихограмма тарқатишнинг «янги» меъёрларини асослаш мақсадида Қашқадарё вилоятининг Косон тумани фермер хўжаликларида дала тажрибалари ўтказилди. Тажриба натижалари 5-жадвалда келтирилган. «Асли Нажим» фермер хўжалигида феромон тутқичларга зараркунанда капалаклари туша бошлаган кундан (2 июн) 3-5 кун оралатиб гектарига 1 грамм ҳисобидан 3 марта (яъни 3 грамм) трихограмма тарқатилган. «Косон» фермер хўжалигида эса «янги» биз таклиф этаётган усул бўйича зараркунанда пайдо бўлиш муддати аниқланган кундан (28 май) бошлаб, кўсак қуртининг ҳар 100 туп ғўзадаги ўртача сонига (7 та) қараб 1,58 грамм трихограмма тарқатилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, биз тавсия этган «янги» усулда (прогнозлаштирилган муддатларда ва меъёрларда) трихограмма тарқатиш назорат ва «анъанавий» усулларга нисбатан юқори ҳосил олиш, зараркунандага қарши биологик кураш самарадорлигини ошириш имконини берар экан.

5-жадвал

Кўсак қурти (ғўза тунлами) га қарши биологик курашнинг «анъанавий» ва «янги» (тажриба) усулларда қўллаш самарадорлиги
(Қашқадарё вилояти, Косон тумани, 2016-2017 йй.)

№ к/к	Кўрсаткичлар	Назорат	«анъанавий» усул	«Янги» (таж-риба) усул
1	Ҳосилдорлик, ц/га	27,1	30,4	32,1
2	Ялпи ҳосил, ц	81,3	91,2	96,3
3	Ҳосилнинг нархи, сўм	6991800	7843200	8281800
4	Ҳосилни етиштириш харажатлари, сўм	1398300	1398300	1398300
5	Биологик кураш харажатлари, сўм	-	20700	10350
6	Қўшимча ҳосил, ц	-	3,3	5,0
7	Қўшимча ҳосилдан олинган фойда, сўм	-	283800	430000
8	Жами харажатлар, сўм	1398300	1419000	1408650
9	Ҳосилнинг таннархи, сўм	860,0	860,0	860,0
10	Соф фойда, сўм	5593500	6424200	6873150
11	Рентабеллик, %	400,02	452,7	487,9

Тадқиқотларимизда ғўзанинг асосий касаллиги фузариоз илдиз чириш касаллигига қарши *Trihoderma lignorum* препаратининг биологик

самарадорлигини аниқлаш ва унинг иқтисодий томонини баҳолаш мақсадида изланишлар ўтказилган. Ғўзада фузариоз чириш касаллигига қарши *T. lignorum* замбуруғини антогонист сифатида қўллаш, уларни ишлатиш усуллари ва меъёрларини аниқлаш мақсадида тажрибалар Қашқадарё вилоятини Косон туманида олиб борилди.

Бунинг учун сулида ўстирилган триходерма 60 ва 120 кг/га ҳисобида ва 4 ва 8 г/л замбуруғнинг соф споралари қўлланилди. Назорат вариантга инокулюмлар қўшилмади. Тажиба 4 марта такрорланди. Олинган натижалар 6-жадвалда келтирилган бўлиб, триходерма замбуруғи тупрокқа қўшиб чигит экилганда соғлом ўсимликларнинг сони назоратга нисбатан анча юқори бўлган (6-жадвал).

6-жадвал

Ғўзанинг фузариоз чириш касаллигига қарши *T. lignorum* замбуруғининг биологик самараси (Қашқадарё вилояти Косон тумани, 2015-2016 йй.)

Тажриба варианты	Ўсимликлар сони, дона	Касалланган ўсимликлар сони, дона	%	Биологик самара, %
Назорат (триходермасиз)	442	106	23,9	-
<i>T. lignorum</i> сулида, 60 кг/га	457	62	13,5	43,5
<i>T. lignorum</i> сулида, 120 кг/га	470	51	10,8	54,8
<i>T. lignorum</i> соф споралари 4 г/л	449	72	16,1	33,0
<i>T. lignorum</i> соф споралари 8г/л	452	59	13,0	45,6

Триходерма 60 кг/га ҳисобида қўлланилганда биологик самара 43,5%, меъёри 120 кг/га га оширилганда эса 54,8% га етган. Назорат вариантда эса касалланиш 23,9% ни ташкил қилган.

Бундан ташқари тадқиқотларда *T. lignorum* соф споралари массасини касалликка таъсири ҳам ўрганилган. Спора массаси 4 г/л миқдорда тупрокқа қўшилганда биологик самара 33,0% ни ташкил қилган. Масса миқдори 8 г/л га оширилганда эса биологик самара 13,0% дан 45,6% га етди.

Ғўзанинг фузариоз илдиз чириш касаллигига қарши қўлланилган *T. lignorum* замбуруғининг иқтисодий самараси аниқланган бўлиб, назоратда ҳосилдорлик 27,6 ц/га ва гектаридан олинган соф фойда 10051000 сўмни, рентабеллик эса 455,0% ни ташкил қилган. Худди шу кўрсаткичлар *T. lignorum* замбуруғининг сулида кўпайтирилиб, 60 кг/га миқдорда қўлланилганда соф фойда 10243590 сўмни, рентабеллиги эса 513,1% ни ташкил қилган. Ушбу замбуруғни 120 кг/га миқдорда қўллаганда эса соф

фойда 10842780 сўмни, рентабеллиги 542,9% ни ташкил қилган. Худди шунингдек ушбу замбуруғнинг соф споралари 4 г/л ва 8 г/л миқдорда қўлланилганда соф фойда мос равишда 10082560 ва 10320720 сўмни ва рентабеллиги 504,7% ва 516,2% га тенг бўлган. Ушбу келтирилган маълумотлар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки ғўзани фузариоз чириш касаллигига қарши *T. lignorium* замбуруғини гектарига 120 кг ёки замбуруғнинг соф спораларини 8 г/л миқдорда қўллаш натижасида юқори самарадорликка эришилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Ғўза ва унинг асосий зараркунандаси (ғўза тунлами) ривожланиши ва тарқалишининг автоматлаштирилган ахборот тизимларини ишлаб чиқишда керак бўладиган маълумотларни сақлаш ва қайта ишлашнинг концептуал асослари ишлаб чиқилиб, қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари ривожланиши экологик мониторинги, прогнозлаштириш усуллари такомиллаштирилган.

2. Аграр соҳада ахборот технологияларидан фойдаланиш қишлоқ хўжалиги экинлари хусусан ғўза экини ҳосилдорлигини оширишга, уларни етиштириш ҳаражатларини камайтириш, зараркунанда ва касалликлар келтирадиган зарар миқдорини қисқартиришга имкон яратиши мумкинлиги асослаб берилган.

3. Ғўзанинг асосий зараркунандаси кўсак қуртининг пуштдорлигини феромон тутқичга тушган капалаклар сонига қараб аниқлашнинг математик модели ишлаб чиқилди ва синовдан ўтказилди. Ушбу модел ёрдамида кўсак қурти зичлигини (сонини) аниқлаш мумкинлиги асосланди, ҳамда кўсак қурти зараркунандасига қарши феромон тутқичларни ғўза майдонларига оптимал жойлаштириш ва улар сонини аввалдан прогнозлаштириш каби долзарб масалаларни ҳал қилиш имконияти яратилган.

4. Ғўзанинг ривожланиш фазалари ва ғўза тунламининг авлодлари ривожланишини фойдали ҳароратлар йиғиндисиги боғлиқлигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш натижасида биологик курашнинг оптимал муддатларини аниқлаш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш мумкинлиги кўрсатиб берилган.

5. Ғўзанинг асосий зараркунандалари ривожланиши прогнозларини ишлаб чиқишда керак бўладиган маълумотлар базасини яратиш, у асосида ишлайдиган автоматлаштирилган прогнозлаштириш тизими ишлаб чиқилган.

6. Ҳозирги кунда фойдали энтомофагларни кўпайтирадиган биологик лабораторияларнинг режаларини ишлаб чиқиш ва уларни чиқариш муддатларини аввалдан аниқлаш усуллари такомиллаштирилди. Бунда ҳар 100 туп ўсимликка тўғри келган ғўза тунлами сонига қараб далаларга трихограмма тарқатишининг оптимал қийматлари тавсия этилган.

7. Ғўзани асосий зараркунандаси кўсак қуртидан биологик усулда, ҳамда унинг асосий касаллиги фузариоз илдиз чириш касалликларига қарши ҳимоя қилишнинг самарали усули ва йўллари аниқланган.

8. Қашқадарё вилояти Косон тумани «Асли Нажим» ва «Косон» фермер хўжаликларида «анъанавий» усулда бир гектар майдонга ҳар 3-5 кун оралатиб, 3 марта 1 граммдан трихограмма тарқатилган бўлса, таклиф этилаётган усул бўйича зараркунанда пайдо бўлиш муддати аниқланган кундан бошлаб ҳар 100 туп ғўзадаги унинг ўртача сони (зичлиги) га қараб бир марта трихограмма тарқатилган. Натижада ўтказилган тажрибаларнинг назорат вариантыда рентабеллик 400,02%, анъанавий усулда 452,7% бўлгани холда янги усулда 487,9% бўлгани аниқланди.

9. Ғўзанинг фузариоз илдиз чириш касаллигига қарши қўлланилган *T. lignorium* замбуруғининг иқтосодий самараси ҳисобланганда, назоратда гектаридан олинган соф фойда 2199000,0 сўмни, рентабеллик эса 760,9% ни ташкил қилган. Худди шу кўрсаткичлар *T. lignorium* замбуруғининг сулида кўпайтирилиб, 60 кг/га миқдорда қўлланилганда соф фойда 2555319,0 сўмни, рентабеллиги эса 873,1% ни ташкил қилган бўлса, уни 120 кг/га миқдорда қўллаганда эса соф фойда 2667238,0 сўмни, рентабеллиги 911,1% ни ташкил қилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ЗАЩИТЫ
РАСТЕНИЙ**

АМИНОВА ДИЛДОР ХОЛМУРАДОВНА

**НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ
ЗАЩИТЫ ХЛОПЧАТНИКА БИОЛОГИЧЕСКИМ МЕТОДОМ**

06.01.09 – Защита растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.1.PhD/Qx385.

Диссертация выполнена в научно-исследовательском институте защиты растений. Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Яхьяев Хашим Касимович**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: **Торениязов Елмурат Шерниязович**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор,
Холдаров Мирхалил Уразбоевич
кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: **Андижанский государственный университет**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (99871) 260-48-00, факс: (99871) 260-38-60, e-mail: tuag-info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1 этаж, конференц зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 538160). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2, Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки номер _____ от «___» _____ 2019 года).

Б.А.Сулаймонов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик

Я.Х.Юлдашов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.с.х.н., доцент

М.М.Адилов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во многих странах мира ведущей отраслью сельского хозяйства является хлопководство, ежегодно эта культура высеивается на площади 32-33 миллиона гектаров, а возделывание хлопкового волокна составляет 25 миллионов тонн. Хлопчатник в основном возделывается ради получения волокна для текстильной промышленности. Кроме того, из данной культуры получают и экспортируют более 30 видов продукции. В более чем 100 странах мира выращенный хлопок-сырец является сельскохозяйственной продукцией, обладающей высоким коммерческим потенциалом³.

В странах, являющихся мировыми лидерами в производстве хлопка, достигнуты огромные успехи в возделывании качественного хлопка-сырца, защите растений от вредителей и болезней посредством применения современных информационных технологий. Это, в первую очередь, создание устойчивых, приспособленных к климату регионов сортов, а также использование новых эффективных технологий, дальнейшее улучшение качественных и технических аспектов продукции, постоянное развитие процессов переработки, использование биологически эффективных методов борьбы, направленных на защиту от вредителей и болезней.

В республике осуществляются широкомасштабные мероприятия по защите хлопчатника от вредителей и болезней. В настоящее время фермерские хозяйства республики перешли на малообъемные технологии выращивания хлопчатника. Это, в свою очередь, даёт возможность уменьшения затрат на выращивание хлопчатника, а также приведения системы поливов и внесения минеральных удобрений до оптимального уровня. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы отмечено, что «...в сельском хозяйстве, в частности, в области защиты растений от вредителей и болезней, важное значение в сельскохозяйственной практике имеет применение современных информационных технологий»⁴. В этой связи, актуальной является проблема создания основ фито мониторинга возделывания хлопчатника и внедрения их в производство. Одними из основных и важных задач фито мониторинга является оценка и анализ состояния посевов, определения причин отставания в развитии. Своевременное получение вышеизложенных данных позволяет вносить уточнения и изменения в технологию возделывания хлопчатника, определять отрицательное влияние определённых факторов и создавать оптимальные условия для развития культуры. Выполнение этих работ невозможно без применения автоматизированных компьютерных систем. Запланированная

³ www.fao.org OECD-FAO AGRICULTURAL OUTLOOK 2016 © OECD/FAO 2016

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони

для разработки и предназначенная для внедрения с помощью компьютеров система направлена на проведение фито мониторинга состояния хлопчатника, автоматизацию определения времени появления основных вредителей и болезней и осуществления контроля проводимых биологических мер защиты.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, служит выполнению задач, предусмотренных в Законе Республики Узбекистан «О защите сельскохозяйственных растений от вредителей, болезней и сорной растительности», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 148 от 29 марта 2004 года «О мероприятиях по совершенствованию структуры службы защиты растений и повышению её эффективности», Указе Президента Республики Узбекистан № УП-3080 от 30 мая 2002 года «О дальнейшем развитии компьютеризации и внедрении информационно-коммуникационных технологий»; Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 200 от 06 июня 2002 г. «О мерах по дальнейшему развитию компьютеризации и внедрению информационно-коммуникационных технологий», а также других нормативно-правовых документах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

